

№ 2 (3) 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 2 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот

технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохидা Зайнисевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура курилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй.

Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Полвонов Козимбек Наимович
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1970-2022 йиллар) 7-13

Махмудова Азизаҳон Носировна
ПАЛЕОЛИТШУНОСЛИК СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИДА Р. Х. СУЛЕЙМАНОВ
ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРНИ 14-21

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Kurpayanidi Konstantin Ivanovich
MODERN DIGITALIZATION: PRIORITIES AND PROSPECTS IN THE CONTEXT OF ECONOMIC
TRANSFORMATION 22-28

Паязов Мурод Максудович
ДАВЛАТ ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ АСОСИДА ТЕМИР ЙЎЛ ХИЗМАТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИНИРИШДА: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР 29-37

Шохўжаева Зебо Сафоевна
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВТЕЖАМКОР СУГОРИШ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ
САМАРАДОРЛИГИ 38-45

Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna
INSON KAPITALI RIVOJIGA TA'SIR QILUVCHI OMILLAR 46-50

Элбоев Бобур Ботирович
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА САВДОНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА БАНК КАФОЛАТИ ВА
ЗАХИРА АККРЕДИТИВНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШI 51-60

Ermatov Akmaljon Akbaraliyevich
O'ZBEKİSTONDA MOLİYAVİY BOSHQARUV TİZİMİNİ RIVOJLANTIRISH 61-68

Абдиқулова Дилноза Абдуқадировна
АГРАР СОҲА ЎСИШИНИ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРГА ТАЪСИРИНИ
СТАТИСТИК ЎРГАНИШ 69-74

Qudbiyev Nodir Tohiro维奇, Tojimatov Abdumutalibjon Abduqayumovich
KORXONALARNING TIJORAT BANKLARI BILAN O'ZARO MUNOSABATLARI TİZİMİNİ
TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI 75-84

Rasulova Shaxnoza Xatamovna
XARAJATLAR HISOBINI TASHKIL ETISH VA TASNIFFLASHNING IQTISODIY AHAMIYATI .. 85-93

Болтаев Нурали Шираматович
АГРАР ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН КАДРЛАРНИ МЕҲНАТ
БОЗОРИДА РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ 94-103

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ*Tulaganov Muminjon Taxtamuratovich*

JAMIYATDA FUQAROLARNING HUQUQIY -SIYOSIY ONGINING YUKSALTIRISHDA
ETNOMADANIY OMILLARNING O'RNI 104-109

Aripov Alisher Abdumalikovich

YOSHLAR MA'NAVIY XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA MILLIY VA DINIY BAG'RIKENGLIKNING
O'RNI 110-117

Xabib Sattorov

TASAVVUF TA'LIMOTIDA SHARIAT, TARIQAT, MA'RIFAT, HAQIQAT BOSQICHLARI 118-123

Турсинбай Султонов

ИСТЕДОДНИНГ ИККИ МУХИМ ТОМОНИ 124-132

Сафаров Улугбек Турсунович

МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИННИГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ 133-138

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ*Бектурсынова Айсултан Марат кызы*

М.М. БАХТИН КАК ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ЯЗЫКОВАЯ ЛИЧНОСТЬ УЧЕНОГО-ФИЛОЛОГА
ФИЛОСОФСКОГО ТИПА 139-145

Назарова Сайёра Азимжановна

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЕРМИНЛАРИНИ ТАРИХИЙ
БОСҚИЧЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 146-151

Isroilova Manzura Jamolovna

BOSMA NASHRLARDA FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING LEKSIK-SEMANTIK
TRANSFORMATSIYASI 152-156

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР*Утемуратов Махмут Ажимуратович*

ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ТАКОМИЛЛАШУВИГА ҲУҚУҚИЙ НИГИЛИЗМ ВА ҲУҚУҚИЙ
ИДЕАЛИЗМНИНГ ТАЪСИРИ 157-162

Узакова Гўзал Шариповна

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ МАҶСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ҚАШШОҚЛИК ВА ОЧЛИКНИ
ТУГАТИШ, СОҒЛИК ВА ФАРОВОНЛИККА ИНТИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ 163-175

Abdixakimov Islombek Bahodir o'g'li

SUG'URTA FRANSIZASI VA UNING TURLARI HAQIDA 176-180

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ*Мамадалиева Нулуфар Баҳодировна*

ЎҚУВ ФАНЛАРИ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРНИ ЎҚИТИШ ОРҚАЛИ БОШЛАНГИЧ

СИНФ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ОҒЗАКИ НУТҚ ВА ФИКРЛАШ ФАОЛИЯТИНИ

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 181-185

13.00.00 – Педагогика фанлари

Мамадалиева Нилуфар Баҳодировна
Андижон давлат Педагогика институти
Мактабгача таълим кафедраси катта ўқитувчиси

**ЎҚУВ ФАНЛАРИ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРНИ ЎҚИТИШ ОРҚАЛИ БОШЛАНГИЧ
СИНФ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ОҒЗАКИ НУТҚ ВА ФИКРЛАШ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Аннотация. Таянч тушунчаларни ўқитиш орқали бошлангич синф ўқувчиларнинг оғзаки нутқ ва фикрлаш фаолиятини такомиллаштириб бориш, нутққа таяниши кучайтириш, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини оширишга ва уларнинг тафаккурини ривожлантиришга хам ижобий таъсир кўрсатиш, бошлангич мактаб ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида кўпроқ учраб турувчи нутқий камчиликларини бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Калит сўзлар: бошлангич, мактаб, ўқувчи, ўқитувчи, ўқитиш, нутқ, тафаккур, тил, фан, фаолият.

Мамадалиева Нилуфар Баҳодировна
Андижанский государственный педагогический институт
Старший воспитатель отдела дошкольного образования

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РЕЧЕВОЙ И МЫСЛITЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ ПУТЕМ ОБУЧЕНИЯ ОСНОВНЫМ ПОНЯТИЯМ ПО
УЧЕБНЫМ НАУКАМ**

Аннотация. Обучая основным понятиям, необходимо совершенствовать устную речь и мыслительную деятельность учащихся начальных классов, укреплять опору на речь, положительно влиять на увеличение устной и письменной речи учащихся и развивать их мышление, разработать способы устранения недостатков речи, наиболее часто встречающихся в учебной деятельности учащихся начальной школы.

Ключевые слова: начальная школа, ученик, учитель, учение, речь, мышление, язык, наука, деятельность.

Mamadalieva Nilufar Bahodirovna
Andijan State Pedagogical Institute
Senior teacher of the preschool education department

**IMPROVING SPEAKING AND THINKING ACTIVITIES OF PRIMARY CLASS
STUDENTS THROUGH TEACHING BASIC CONCEPTS IN STUDY SCIENCES**

Abstract: By teaching basic concepts, it is necessary to improve the oral speech and thinking activity of elementary school students, to strengthen the reliance on speech, to have a positive effect on the increase of oral and written speech of students and the development of their thinking, and to develop ways to eliminate speech deficiencies that are more common in the educational activities of elementary school students.

Key words: elementary, school, student, teacher, teaching, speech, thinking, language, science, activity.



Кириш.

Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Қонуни амалиётга кенг жорий қилинмоқда. Истиқлол шарофати билан мамлакатимиз халқ таълими тизимида ҳам мустақил чуқур ислоҳатлар ўтказишга кенг имконият берилди. Шундай ислоҳатлардан бири ўқувчиларнинг нутқ маданиятини такомиллаштиришга қаратилгандир. [1]

Маълум бир фаннинг асосларини ўқитишида нутқقا таянишни кучайтириш мактаб ўқувчиларида нутқий фаолиятнинг барча турларини ривожлантириш бўйича тизими ва мақсадга йўналтирилган ишларни юритишни тақозо этади. Мазкур муҳим вазифани амалга ошириш ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини оширишга ва шунингдек уларнинг тафаккурини ривожлантиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Нутқ жамоатчилик-тариҳий табиатга эга бўлади. Инсонлар хар доим жамоа бўлиб яшаган ва яшайдилар. Жамоатчилик ҳаёти ва инсонларнинг жамоавий меҳнати ўзаро доимий мулоқот қилиш, бир-бирлари билан алоқалар ўрнатиш, бир-бирларига таъсир этиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу заруриятларнинг барчаси нутқ ёрдамида амалга оширилади. Нутқ ёрдамида инсонлар фикр ва билимлари билан алмашинадилар, ўз ҳиссиётлари, кечинмалари, мақсадлари ҳақида сўзлаб берадилар.

Ўқувчиларда мантиқий фикрлашни ривожлантиришда оғзаки нутқдан фойдаланишнинг педагогик жараён билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ўқувчиларда мантиқий фикрлашни ривожлантиришда мақсадга йўналтирилган оғзаки савол ва машқлар муҳим ўрин эгаллайди. Бунда оғзаки нутқнинг умумдидактик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Биринчи навбатда уларнинг дидактик таснифини ўрганиш талаб этилади. Муайян дидактик асосга таянган ҳолда таълим методларининг қўйидаги таснифи амалга оширилган:

-ахборотларни тақдим этиш манбалари ҳамда уларни ўқувчилар томонидан идрок этилиш характерига асосланадиган таълим методлари (кўргазмали ва амалий методлар);

-муайян таълим босқичида ҳал этиладиган дидактик вазифалар асосида ажратиб олинган таълим методлари. Бунга билимларни эгаллаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш, билимларни қўллаш, ижодий фаолият кўрсатиш, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ҳамда текшириш кабилар киради.

Мавзуга оид адабиётлар тахлили.

Бир-бирлари билан мулоқот қилганда одамлар сўзлар ва маълум бир тилнинг грамматик қоидаларидан фойдаланишади. Тил сўз белгилари тизими, инсонлар орасидаги мулоқотни амалга ошириш воситаси ҳисобланади. Умумий тилшуносликни фан сифатида белгилаб берган, буюк немис тилшуноси Вильгельм Гумбольдт тилга “фикрнинг (тафаккурнинг) шакллантирувчи органи” деб таъриф берган. Ўз тезисини давом эттирган ҳолда у, ҳалқнинг тили – унинг рухи, ҳалқнинг рухи эса – унинг тилидир деб таъкидлаган. Тил ва нутқ узвий боғлиқлиқдаги бирлик, у хар қандай ҳалқнинг тили инсонларнинг мулоқот қилиши жараёнида пайдо бўлганлиги ва ривожланганлигига ўз аксини топади. Тил ва нутқ орасидаги алоқа тилнинг мулоқот қуроли сифатида

инсонлар ўша тилда гапиришни бошлаган давргача мавжуд бўлишида хам исботланади. Инсонлар нутқий мулоқотда бошқа тилдан фойдаланишини бошлиши билан фойдалнилаётган тил ўлик тилга айланади. Бизни ўраб турган теварак дунёнинг қонуниятларини идрок этиш, инсоннинг ақлий ривожланиши инсонлар томонидан жамоатчилик-тариҳий ривожланиш жараёнида ишлб чиқилган ва тил ёрдамида, ёзма нутқ ёрдамида мустаҳкамлаб қўйилган билимларни ўзлаштириш орқали амалга ошади. Бу мазмунда тил инсониятнинг маданияти, фани ва санъати ютуқларини авлоддан авлодга етказиш ва уларни мустаҳкамлаш воситасига айланади. [2;63-б]

Турли шартларга боғлиқ бўлган холда инсонларнинг нутқи ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлади. Шунга мос равиша нутқнинг хар-хил турлари белгиланади. Биринчи навбатда ички ва ташқи нутқ фарқланади. Оғзаки нутқ ўз навбатида монологик ва диалогик нутққа ажралади. Ташқи нутқ мулоқот учун ҳизмат шунинг учун ташқи нутқнинг асосий белгиси – уни бошқа одамлар томонидан қабул қилинишидир яъни эшишиш, кўриш орқали қабул қилинишидир. Товушлар ёки ёзма белгилар мазкур мақсадда қўлланилаётганлиги ёки қўлланилаётганлигидан келиб чиқсан холда нутқ – оғзаки (одатда оғзаки суҳбат нутқи) ва ёзма нутқга бўлинади. Оғзаки нутқ хам, ёзма нутқ хам ўз психологик ҳусусиятларига эга. Оғзаки нутқда одам тингловчиларни, уларнинг ўз сўзларига бўлган реакциясини идрок этади. Ёзма нутқ эса ёзаётган одамни кўрмаётган ва эшишмаётган, ёзилганларни маълум бир вақтдан кейин ўқиб олувчи одамга (яъни суҳбатда мавжуд бўлмаган одамга) мурожаатга асосланади. Кўп холларда муаллиф ўз ўқувчисини танимайди, у билан алоқага киришмайди. Ёзаётган шахс ва ўқийдиган шахс ўртасида бевосита kontaktning йўқлиги ёзма нутқни куришда маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради. Чунки бу холатда ёзаётган одам ўз фикрларини яҳшироқ ифодалаш учун оғзаки нутқдаги каби ифода воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмайди (оҳанг, мимика, имо-ишоралар) (тиниш белгилари тўлиқ даражада ифода воситаларининг ўрнини боса олмайди). Шунинг учун ёзма нутқ оғзакига қараганда кам маъноли ҳисобланади. Бундан ҳам қолаверса, ёзма нутқ алоҳида очиқланган, маълум воситалар ёрдамида боғланган, тушунарли ва мукаммал, яъни бафуржа ишлов берилган бўлиши талаб этилади.

Тахлил ва натижалар.

Ўқитиши амалиётида оғзаки нутқнинг ёзма нутқдан ўзиб кетиши тамойилини ҳисобга олган ҳолда оғзаки нутқни ривожлантириш бўйича олиб бориладиган ишлар билан бир қаторда ёзма нутқни ривожлантириш бўйича ҳам ишлар олиб бориш зарур. Чунки бу нутқ турларининг бирини ривожлантириш иккинчиси хам автоматик равишда ривожланишини таъминлай олмайди. Ўқитувчи оғзаки ва ёзма нутқнинг фарқли жиҳатларини ва уларнинг ўзаро алоқасини тушуниши ва асосийси – ўғзаки нутқни эшишиш ва ёзма нутқни кўриш мумкинлигини ўз эътиборидан туширмаслиги керак.

Мактаб ўқувчилари учун айниқса математикани ўрганишда оғзаки нутқдан ёзма нутққа ўтиш қийин кечади. Чунки ёзма қоидалар ўқувчиларнинг тафаккури индивидуаллашувида муҳим аҳамият касб этади, демак, ўқитувчидан хар бир ўқувчида ўз фикрларини ёзма расмийлаштириш кўникмасини шакллантириш талаб этилади. Шунинг учун ўқувчиларнинг дафтарларини текшириб бориш хар бир математика ўқитувчисининг бурчи ҳисобланади.

Бошланғич мактаб ўқувчиларининг ёзма математик нутқи математик, орфографик ва график саводхонлик билан ажралиб туриши лозим. Математик саводхонлик материални аниқ ва рационал (самарали) баён этиш, математик атама ва белгиларни; орфографик саводхонлик – фақатгина математик атамаларни эмас, балки бошқа сўз ва ифодаларни тўғри ёзиш ва талаффуз этишни; грамматик саводхонлик эса математик гапларни тўғри қуришни; график саводхонлик эса ёзувларни оқилона расмийлаштириш, зарур чизмаларни тўғри бажаришни тақозо этади. Ёзувларга ҳос бўлган юқори эстетик маданият унинг ижроисининг меҳнатга бўлган вижданли ёндошувидан дарак беради. Ёзувларни чиройли, самарали бажаришга одатланганлик мактаб ўқувчиларининг умумий меҳнат сифатлари ошишига, келажакда эса уларнинг касбий фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Бошланғич мактаб ўқувчиларининг ўқув фаолиятида кўпроқ учраб турувчи нутқий камчиликларни таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, демак, шундай қилиб, зеро, модомики каби маъно юкига эга бўлмаган сўзларни ортиқча қўллаб юбориш нутқнинг идрок этилишини қийинлаштиради. Кўп холларда ўқувчилар керакли сўзни топа олмай қолган ҳолатларда ғўлдираб юборишади. Бу каби “ахборотсизлик” ўқувчининг оғзаки нутқи ривожланмаганлигидан дарак беради. Нутқ идрок этилишини қийинлаштиради ва лексик камчилик, яъни сўзларни асоссиз равища тушириб қолдиришга олиб келади. Сўзлар маъноси ҳисобга олингмаган холда қўлланилганда нутқ мужмаллашади, баъзан бузилади. Сўзларни “ўз ўрнида” қўлламаслик нутқнинг идрок этилишини қийинлаштириш билан биргаликда тингловчиларнинг ассоциатив (фикрий боғланиш) аппаратининг зарур йўналишни топа олмаслигига олиб келади.

Мактаб ўқувчиларининг математик нутқи мазмуни, шакли ва мотиви (омиллашганлиги) бўйича баҳоланади. Мазмунли нутқнинг сифатлари аниқлик, ҳушмуомалалик, тўликлик, тушунарлилик, ҳатосизлик кабиладир. Шаклига кўра нутқ, қисқа, тушунарли, аниқ, боғланган, тадрижий, эмоционал бўлиши керак. Демак, мактаб ўқувчиларининг жавоблари, айниқса оғзаки жавобларини баҳолашда билдирилаётган фикрларнинг аниқлиги, илмийлиги, ўрнатилаётган маъноларнинг аниқлиги, мулоҳазаларнинг асосланганлиги, грамматик жиҳатдан тўғрилиги ва қисқалиги, ифодалилиги ва нутқнинг тозалиги ҳисобга олиниши зарур. [3; 97-б]

Болани кичик ёшданоқ равон тилда гапиришга, ўз нутқида гўзал сўзлардан фойдаланиб, фикрни эркин баён қилишга ўргатиб бориш мухим. Бошланғич синфларда ўқувчилар барча дарслар давомида назарий ва амалий билимларни олиш билан бирга жумлаларни тўғри тузиш, ўзаро муомала қоидалари, фикрни баён этиш, қайта ижодий ҳикоялаш, шеър ёдлаш орқали оғзаки нутқ кўнималари ҳам ривожлантириб борилади. Нутқни тафаккурдан ажратиб бўлмайди, нутқ тафаккур асосида ривожланади. Она тили дарслари болалар луғатини бойитишга самарали ёрдам беради, нутқни тузишга ўргатади. Ўқиш дарси ва у билан боғлиқ холда олиб бориладиган экскурсия ўқувчиларга табиат ҳодисалари, кишилар ҳаёти ва меҳнати ҳақида билим беради. Бу дарсда ўқувчи нутқига, уни шакллантириш ва ўстиришга кенг имконият яратади. Бошланғич синфдаги бошқа дарсларда ҳам ўқувчилар нутқи хилма-хил сўзлар билан бойитилади. Математика дарсларида болалар янги тасаввур ва тушунчалар, жуда кўп сўз ва терминлар билан ўз нутқларини бойитадилар, мантиқий фикрлайдилар. Ўқувчилар табиатшунослик дарсларида ва экскурсия вақтида кўрган предметларини ўқитувчи

ёрдамида гурухлайдилар, таққослаб ўҳшаш ва фарқли томонларин топиб айтадилар. Булар, ўз навбатида табиатга оид айрим тушунчаларни аниқ билиб олишга имкон беради, тафаккурни, нутқни ўстиради. Мехнат, тасвирий санъат, жисмоний тарбия, мусиқа дарсларида ҳам дарслардан ташқари машғулотлар ҳам ўқувчи нутқи ва тафаккурини ўстиришга имкон беради.[4;140-6] Аввало, ўқитувчининг ўзи адабий тил нормаларига риоя қилган холда ифодали таъсирли сўзлаши зарур. Ўқитувчининг ўзи бола учун намуна бўлмоғи зарур. Чунки, болаларда тақлид хусусияти ўта кучлидир. Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириши режали ташкил этилса, бу соҳадаги тадбирлар мунтазам равишда амалга ошириб борилсагина у ўқувчининг бутун вужудига, унинг ҳиссиётига, тасаввурига, ирода ва характеристига, ниҳоят фикрлаш фаолияти ва қобилиятига таъсир этиб нутқнинг равон ифодали бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Шу йўл билан нутқ малакаларини ривожлантириш орқали, уларда тўғри сўзлаш ва аниқ, мантиқий фикр ифодалаш салоҳияти шаклланиб боради. Уларнинг ижодий фаолияти ва истеъоддларини ривожлантириб рӯёбга чиқаради. Ўқитувчи ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш учун барча машғулотларда уларнинг луғат бойликларини аниқ мақсадга йўналтирилган режа асосида сўзларни нутқда фаол қўллашга ўргатиш орқали мустаҳкамлаб бориш керак.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчилар етарли сўз бойлигига эга бўлмасдан туриб аниқ ва равон фикр юрита олмайдилар. Шунинг учун ҳар бир фанни ўқитишида ўқувчиларнинг мавзуга доир сўзларни қўпроқ қўллашга, нутқида тўғри қўллашга ўргатиш керак ва бунда таянч тушунчаларни ўргатиш, бошланғич синф дарсларини ўқитиш жараёнида ёзма нутқдан кенгроқ фойдаланилиш катта аҳамият эга ҳисобланади.

Агар биз ўзимизнинг ёрқин келажагимизни таъминламоқчи бўлсак, мамлакатимизда биз биринчи навбатда ёшларимизни мустаҳкамлашимиз ва куч-қувватимизни оширишимиз керак. [5;177-б]

Адабиётлар/ Литература/ References:

1. Таълим жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш масалалари. Ўзбекистон тилидан доимий 5-анжумани материаллари.-Т.:”Шарқ”, 1999. 48– б.
2. Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкоznанию. М., 1984. С. 63.
3. Қосимова К. “Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси”, “Ўқитувчи”, 1985. – 97 б.
4. Ғуломов.А., Б.Қобилова. Нутқ ўстириш машғулотлари.-Т.:”Ўқитувчи”,1995. – 140 б.
5. Mamatkhalilovna K. N., Shahobidinovna A. S., Nematillaevna K. G. PEDAGOGICAL SCIENCES //The 8 th International scientific and practical conference—Eurasian scientific congress||(August 9-11, 2020) Barca Academy Publishing,Barcelona,Spain.2020.P.177.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 2 (3) - 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).